**Коррупция в судебной системе** – это форма ненадлежащего влияния, наносящая ущерб беспристрастности правосудия, и может затрагивать любой субъект в системе правосудия, итогом которого будет вынесение ненадлежащих судебных актов, предвзятость в слушании и вынесении решений.

**Предупреждение коррупционных проявлений в судебной системе** – внепроцессуальная деятельность соответствующих субъектов судебной системы по изучению, выявлению и устранению причин и условий, способствующих совершению коррупционных проявлений среди судей и работников судебного аппарата.

**Открытость судебного разбирательства** – возможность присутствовать в судебном процессе (кроме дел, рассматриваемых в закрытом заседании) путем посещения заседаний или через видео-конференц-связь лиц, не являющихся участниками судебного процесса, в том числе представителей средств массовой информации.

**Прозрачность судопроизводства** – публикация решений, постановлений и других актов судов в открытом доступе, а также доступность иных сведений о деятельности судебных органов.

**2.** Обобщение научных взглядов на основе анализа и изучения зарубежной практики позволило выделить следующие выводы:

- коррупционные проявления в судебной системе можно разделить на четыре категории: взяточничество, злоупотребление служебным положением, лоббирование и конфликт интересов.

- коррупционные проявления в судебной системе наблюдаются в трех стадиях судебной деятельности:

- коррупционные проявления при отборе и назначении судей;
- коррупционные проявления при прохождении судьями службы;
- коррупционные проявления при отстранении судей от службы.

**3.** Изучение нормативных актов позволило выявить следующие формы коррупционных проявлений, влияющие на независимость судов при следующей деградации в коррупционные деяния:

- внешние формы;
- внутренние формы.

**4.** Выделяются следующие возможные причины, влияющие на возникновение коррупции в судебной системе:

**базовые** – уровень развития гражданского общества, правовая культура граждан;

**правовые** – регламентация ведения делопроизводства в судах, соблюдения норм международного права, санкции за коррупционные проявления в судебной системе, различный подход при применении альтернативных видов наказания, которые позволяют личную интерпретацию законодательных актов;

**организационно-экономические** – степень занятости судей, обеспечение информационно коммуникационными технологиями, уровень автоматизации работы судов и информации об их деятельности;

**информационные** – уровень прозрачности и открытости судебных процессов, отсутствие исследований проблемы коррупции в судебной системе, низкий уровень качества online услуг, оказываемых сторонам судебных разбирательств;

**социальные** – некоторые проблемы социального характера, связанные с личными отношениями судей «родственные связи»;

**культурно-исторические** – формирующие снисходительное отношение к коррупции среди работников судебного аппарата, правовой нигилизм, придание малого значения понятиям честности и чести.

## **II. Предложения по совершенствованию законодательства:**

**5.** Исходя из передового зарубежного опыта, а также в целях унификации норм о судах и судьях предлагается принять Закон «О статусе судей».

**6.** Изучение опыта зарубежных стран (Грузии и Германии) показало, что практика обжалования решения соответствующих органов, которые уполномочены назначать судей или принимать кандидатов в резерв, разное. В законодательстве нашей республики не предусмотрено обжалование решений Высшего судейского совета по вопросам назначения или принятия кандидатов в резерв.

Предлагается Закон «О Высшем судейском совете Республики Узбекистан» дополнить главой 3<sup>1</sup>. «Подача и рассмотрение апелляций в Апелляционной комиссии Высшего судейского совета Республики Узбекистан».

**7.** Предлагается дополнить Закон «О судах» новой главой «Глава 9. Предоставление сведений о доходах об имуществе и обязательствах имущественного характера, принадлежащих судье, его супруге и несовершеннолетним детям, на основании имущественных и вещных прав».

Декларирование активов и доходов судей следует установить в законе, а также обеспечить опубликование соответствующих сведений онлайн (с возможными узко определенными исключениями) и их регулярную проверку.

**8.** Предлагается дополнить закон «О судах» главой «Народные заседатели», в которой должны регламентироваться следующие концептуальные вопросы:

порядок формирования списка народных заседателей;

требования, предъявляемые к народным заседателям;

отбор народных заседателей для участия в рассмотрении дел в районных судах;

отбор народных заседателей для участия в рассмотрении дел в Верховном, областном и военном суде;

сроки привлечения народных заседателей к исполнению своих обязанностей;

приостановление и досрочное прекращение полномочий народного заседателя;

гарантии материального обеспечения народных заседателей;

гарантии независимости и неприкосновенности народного заседателя.

**9.** В целях повышения роли судейского сообщества предлагается разработать и принять Закон «Об органах судейского сообщества». В этом законе должны быть предусмотрены задачи и организация деятельности:

органов судейского сообщества;

принципы организации и деятельности органов судейского сообщества;

Съезда судей;

Высшего судейского совета Республики Узбекистан;

Квалификационная коллегия судей;

Ассоциация судей Узбекистана.

**10.** В связи с тем, что предоставление судами информации перед депутатами, защищающими интересы отдельных политических партий, а также одновременно перед представителями соответствующей территории и хокимами, являющимися главами исполнительной власти, порождает подчиненность к исполнительной власти, в связи с чем предлагается **исключить абзац 11 ч. 1 ст. 37 Закона «О судах».**

**11.** Согласно статье 41 Закона «О судах» предусмотрены полномочия председателя межрайонного, районного (городского) суда по гражданским делам, районного (городского) суда по уголовным делам, межрайонного, районного (городского) экономического суда.

Сегодня, когда внедряются ИТ – технологии в деятельность судов (автоматическое распределение дел, опубликование вердиктов судей в электронном виде на сайтах судов, автоматизация отправки апелляционных и кассационных жалоб в соответствующие инстанции), предлагается исключить должность председателя районного суда. Председатель районного суда является «лазейкой» для представителей исполнительной и законодательной власти для оказания внешнего воздействия на принимаемые решения судов.

В связи с вышеизложенным, выдвинуто предложение об **исключении статей 41-42 из Закона «О судах».**

**12.** По международным стандартам структура судебной системы должна предусматриваться законом, а не утверждаться президентом.

Должен быть выработан определенный механизм при определении штатных единиц судей, который будет работать без вмешательства исполнительной и законодательной власти. В связи с чем предложено **изложить часть 1 статьи 89 Закона «О судах» в следующей редакции:**

«Структура и штатная численность судов Республики Узбекистан утверждаются Верховным судом и Судейским советом Республики Узбекистан».

13. Для обеспечения независимости судей и сведения до минимума возможные коррупционные риски предлагается дополнить четвертое предисловие части второй ст. 62 Закона «О судах» предложением следующего содержания: «Вместе с тем педагогическая, научная и иная творческая деятельность не может финансироваться исключительно за счет средств иностранных государств, а также международных и иностранных организаций, если другое не предусмотрено законами Республики Узбекистан, международными договорами Республики Узбекистан».

### **III. Предложения, направленные на повышение эффективности практических аспектов предупреждения коррупционных проявлений в судебной системе.**

14. В целях установления порядка выявления и урегулирования конфликтов интересов, возникающих у судей и сотрудников судебного аппарата в ходе отправления правосудия, а также ограничения влияния частных интересов, личной заинтересованности судьи и сотрудников судебного аппарата в ведение своей деятельности предлагается проект Постановления Президиума Верховного суда «**Об утверждении положения о предотвращении и урегулировании конфликта интересов среди судей и сотрудников судебного аппарата**» Приложение №2.

15. Реализация политики открытости и прозрачности судебной системы способствует повышению уровня развития информационной среды, внедрению современных ИТ (информационных и коммуникационных технологий) в процесс судопроизводства, совершенствованию способов распространения информации, появлению и эффективному функционированию новых сайтов судов и государственных автоматизированных систем, в связи с чем предлагается проект Постановления Президиума Верховного суда «**Об утверждении Концепции открытости и прозрачности судебной системы на 2022-2026 годы**» Приложение №3.

16. В целях повышения кадрового потенциала судебных органов и пресечения коррупционных проявлений при приёме на работу в судебную систему предлагается разработать и принять **Порядок «Приёма на службу в судебные органы»**, который должен включать в себя следующие требования:

применение принципа меритократии при принятии на должности в судебных органах;

принятие на работу должно соответствовать международным стандартам и проводиться открыто, путем независимого конкурсного отбора, позволяющего разглядеть все стороны кандидата, в том числе его морально-этические качества;

внедрение современных информационно-коммуникационных технологий при отборе кандидатов на вакантные должности в судах;

формирование базы кадровых ресурсов в судебной системе;

предоставление равного доступа кандидатам при отборе независимо от пола, национальности, религиозных и иных убеждений, а также социального положения.

17. В условиях реформирования судебной системы важное значение представляет обеспечение открытости и прозрачности судов в виде участия общества в отправлении правосудия – это является одним из способов профилактики коррупционных проявлений в судебной системе. Однако следует признать, что общественный контроль в отношении деятельности органов судебной власти должен иметь **правовые пределы и осуществляться только в рамках формальных требований закона.**

18. Ресурсы государства в сфере цифровизации судов, в основном, используются на улучшение инфраструктуры: приобретение новых ноутбуков, серверы, программное обеспечение, то есть, по сути, приобретается только техника. Например, согласно программы цифровизации деятельности органов судебной власти в 2020-2023 годах 59.8 млрд. сумов<sup>13</sup> будут потрачены на техническое обеспечение судов. Вопрос технологического обеспечения остаётся открытым.

Выдвигается предложение об активизации исследований в сфере использования ИКТ и программных решений, в сфере использования Искусственного интеллекта в ходе осуществления правосудия, развития технологий «предсказательного правосудия» на основе основных положений Европейской этической хартии об использовании искусственного интеллекта в судебных системах и окружающих их реалиях (Страсбург, 3-4 декабря 2018 года).

Кроме того, необходимо решить ряд материально-финансовых вопросов, необходимо создать этические рамки для содействия быстрому развитию такой формы искусственного интеллекта, которая включала бы в себя механизмы предотвращения предвзятости и дискриминации уже на этапе разработки.

---

<sup>13</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан от 3.09.2020 года «О мерах по цифровизации деятельности органов судебной власти» за № ПП 4818 // <https://lex.uz/ru/docs/4979899>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/31.01.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЪЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
ҲУЗУРИДАГИ СУДЪЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

**АТАЖАНОВ АЗИЗБЕК АБДИМАЛИКОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИДА  
КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АМАЛИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини  
ташқил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.PhD/Үи340 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исмаилов Баҳодир Исламович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Синдоров Комил Ойдинович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Мустафаев Шухрат Бўриевич**  
юридик фанлар номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
қошидаги Юристлар малакасини ошириш  
маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги DSc.31/31.12.2020.Үи.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “15” апрель соат 15<sup>00</sup>даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 42-уй, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил “04” апрель куни тарқатилди.

(2022 йил “1” апрелдаги 11-рақамли реестр баённомаси).

**Б.Х.Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Л.Х.Исоқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ф.Х.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё мамлакатларининг глобал муаммоларидан бири сифатида суд тизимидаги коррупция муаммоси эътироф этилмоқда. Суд тизимидаги коррупция ўзининг турли шаклларига эга бўлиб, кўплаб субъектларга таъсир кўрсатаётганига дунё гувоҳ бўлмоқда. Судларда порахўрликдан тортиб, жиноий товламачилик ва суд тизимига таъсир кўрсатишгача бўлган турли хилдаги коррупциявий ҳолатлар учрамоқда. Суд тизимидаги коррупция одил судловни амалга оширишнинг асосларини емиради, судловнинг холис ва қонун асосида амалга оширилишига жиддий тўсқинлик қилиб, халқнинг суд тизимига бўлган ишончига путур етказди. Transparency International маълумотида кўра, 30 фоизлик кўрсаткич билан судлар, дунёдаги энг коррупциявий тузилмалардан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. World Justice Project (WJP) маълумотлари шуни кўрсатадики, сўнгги уч йил давомида қонун устуворлиги бутун дунё бўйлаб, ҳатто ушбу кўрсаткич одатда яхшиланиб келаётган давлатларда ҳам пасайиши кузатилмоқда. Бунинг сабабларидан бири судларда коррупциянинг мавжудлиги саналади<sup>2</sup>.

Бугунги кунда жаҳонда суд тизимида коррупцияга қарши курашиш, ушбу тизимда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш, унинг шакллари, вужудга келиш сабаблари, ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, суд тизимининг очиқлиги, шаффофлиги ва мустақиллигинини ошириш, судларда коррупцияни олдини олишда ахборот технологияларини тадбиқ этиш ва сунъий интеллектдан (СИ) фойдаланиш масалаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида судларнинг мустақиллиги, холислиги, очиқлиги ва шаффофлиги каби принципларни тўлиқ амалга ошириш, одил судлов самарадорлиги ва сифатини юксалтириш, шунингдек, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида республикамызда кенг кўламли тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, 33% респондент ҳозирги вақтда ҳамон судьялар муҳитида ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, шунингдек, қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги ва объективлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган алоҳида жисмоний ва юридик шахсларнинг таъсири остида суд қарорларини чиқариш ҳолатлари учраб турибди, деган фикрни билдирган<sup>3</sup>. Сўнгги йилларда коррупцияга сабаб бўлувчи шароитларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш тубдан қайта кўриб чиқилди. Шу нуқтаи назардан, “судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция

<sup>1</sup> <https://www.transparency.org/en/gcb>

<sup>2</sup> World Justice Project® (WJP) <https://worldjusticeproject.org/our-work/research-and-data/wjp-rule-law-index-2020>

<sup>3</sup> “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2021 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган «Суд ва судьялар жамоатчилиги фикри кўзгусида» мавзусидаги жамоатчилиги фикри сўрови натижалари бўйича ахборот-таҳлилий маълумотномаси

ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш”<sup>4</sup> судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги, мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (2021), “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги (2017) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2016), “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2021) фармонлари, “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2022) Қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Ўзбекистонда Ж.Х.Абдурахмонхўжаев, Г.А.Алимов, Р.А.Зуфаров, Б.И.Исмаилов, М.М.Мамасиддиқов, Б.Х.Пулатов, Б.Дж.Исламова, А.Х.Саидов, Э.К.Сабилов, Д.Ю.Хабибуллаев, Ш.Ш.Шорахметовларнинг тадқиқот ишларида у ёки бу даражада суд ишларини юритишнинг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашнинг процессуал ҳуқуқий асослари ҳамда жамиятда ОАВнинг ролини оширишга доир масалалар ёритилган<sup>5</sup>. Бироқ Ўзбекистон Республикаси суд тизимида

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5146554>

<sup>5</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

коррупциявий ҳолатларни олдини олишнинг амалий жиҳатлари мавзусида мамлакатимиз олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ж.Х.Абдурахмонхўжаев<sup>6</sup> ва Э.К.Сабилов<sup>7</sup> тадқиқот ишларида асосан судлар фаолиятининг очиклиги тушунчаси, моҳияти ва унинг одил судловни амалга оширишдаги аҳамияти кўриб чиқилган, судлар фаолиятининг очиклигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ўрганилган, бироқ мазкур изланишларда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

МДХ давлатларида коррупцияга қарши курашиш назарий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш масалалари Е.Б.Абдрасулов, К.К.Атабеков, А.Н.Бухарев, Б.Д.Какешов, А.А.Каширкина, М.И.Клеандров, Н.Д.Ковбенко, В.П.Очередыко, Н.А.Петухов, Н.М.Поляков, О.В.Романовская, Е.В.Рябцева, О.И.Тиунова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.<sup>8</sup>

Хорижий олимлар Stratos Pahiis (АҚШ), Lynn M. LoPucki (АҚШ), William J. Brennan Jr (АҚШ), Livingston Armytage (Австралия), Cristi Danilet (Румыния), Wim Voermans (Нидерландия), Maria Spirova (Нидерландия), Richard Susskind (Англия), Emelie Folkesson, A. Arvidsson (Швеция) ва бошқалар томонидан мазкур мавзунинг муайян масалалари ўрганилиб тадқиқ этилган.<sup>9</sup>

Кристи Данилетнинг<sup>10</sup> тадқиқот ишида суд тизимидаги коррупция жуда кенг баён этилган, аммо унинг шакллари, вужудга келиш сабаблари, ташкилий-ҳуқуқий муаммолари комплекс ўрганилмаган. Е.Фолкессон, А.Арвидсон<sup>11</sup> ўз тадқиқотларида суд тизимидаги коррупциянинг шаклларини ўрганганлар. Ўз тадқиқотларида улар суд тизимидаги коррупцияга қарши курашда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга кўпроқ урғу берганлар.

Табиийки, келтириб ўтилган олимлар ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олиш борасидаги тушунчаларнинг янада кенгайтиши ва чуқурлашишига сабаб бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўтказилган тадқиқотларда суд тизимидаги коррупциявий ҳолатларнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган ҳолос, коррупция кўринишларининг олдини олиш масалалари билан боғлиқ муаммолар алоҳида ўрганилмаган.

Шу боис тан олишимиз керакки, суд тизимидаги коррупциявий ҳолатлар муаммосининг яққол долзарблигига қарамай, у юридик адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Маҳаллий тадқиқотчилар томонидан

<sup>6</sup> Абдурахмонхўжаев Ж.Х. Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштириш ва улар мустақиллигини таъминлаш // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2018. // <https://tsul.uz/files/avtoreferat/abduraxmonxujaev.pdf>

<sup>7</sup> Сабилов Э.К. Судлар фаолияти очиклигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2021. // <http://library.ziyounet-uz/uz/book/115880>

<sup>8</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>9</sup> Ушбу муаллифларнинг илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>10</sup> C.Danilet Corruption and anti-corruption in the justice system - Bucharest: Editura С.Н. Beck, 2009 p. 11 [https://www.kas.de/c/document\\_library/getfile?uuid=efeb9a87-f5c0-6e14-78ef-e5708063bacb&groupId=252038](https://www.kas.de/c/document_library/getfile?uuid=efeb9a87-f5c0-6e14-78ef-e5708063bacb&groupId=252038)

<sup>11</sup> E.Folkesson, A.Arvidsson Corruption in the Judiciary : Balancing Accountability and Judicial Independence Published 2010 Political Science // <https://www.semanticscholar.org/paper/Corruption-in-the-Judiciary-%3A-Balancing-and-Folkesson-Arvidsson/236452f7eb2fe5b0882def1b8b3e6f4c508d2d2a>

Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупциявий ҳолатларни олдини олишнинг амалий жиҳатлари бўйича концептуал таҳлил ва тадқиқотлар олиб борилмаган, келтириб ўтилган сабаблар ҳам танланган диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби илмий-тадқиқот ишлари режасига (2019-2021) ҳамда Ўзбекистон Республикасида судлар мустақиллигининг долзарб масалалари, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупцияни олдини олишнинг амалий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

коррупция тушунчаси ва унинг суд тизимида намоён бўлиши мумкин бўлган шакллари таҳлил қилиш;

суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича ташкилий ва амалий жиҳатларни тадқиқ этиш;

суд тизимида коррупцияга қарши курашишда судьялар ҳамжамиятининг ролини ўрганиш;

судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш;

хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олишда IT-технологиялар ва сунъий интеллект (СИ) нинг аҳамиятини ўрганиш;

суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупциянинг олдини олиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, тегишли халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва тажрибаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида умумлаштириш, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик материалларни ўрганиш, қонунчилик ҳужжатларини шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиш, социологик сўров ва бошқалардан фойдаланилди. Ушбу усулларнинг барчаси биргаликда муайян даражада диссертация тадқиқотлари натижаларининг ишончлилиги ва ҳақиқийлигини таъминлашга имкон берди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари суд корпусини шакллантирувчи судьялар ҳамжамияти органи аъзолигидан чиқариш таклифи асослантирилган;

судьялар ҳамжамияти органларининг вазифаларига судьялар ўртасида коррупциянинг олдини олиш ва эрта аниқлашга қаратилган (манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш бўйича илмий-амалий семинарлар ва сўровномалар ўтказиш) механизмларни киритиш таклифи асослантирилган;

юқори инстанция судлари ва Судьялар олий кенгаши томонидан жойларга чиқиб, судьялар фаолиятини текшириш имкониятини истисно этувчи, судьялар фаолиятини электрон дастурлар ёрдамида мониторинг қилиш орқали текширишнинг механизмларини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатилган. Бунда судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш орқали масофавий мониторинг қилишга эришиш асослаб берилган;

судьялар мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида судьянинг мустақиллигини чекловчи ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини тақиқловчи нормани қонунга киритиш зарурлиги асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида одил судловни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий-ҳуқуқий кафолатларини тартибга солувчи “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

“Судьялар ҳамжамияти тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклифи асослантирилган;

судьялар ва суд ходимларининг шахсий манфаатлари таъсирини чеклаш мақсадида Олий суд Пленумининг “Судьялар ва суд ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган;

“Судлар тўғрисида”ги Қонунга “Судья, унинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари, мулк ҳуқуқи ва мулкий мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш” ҳақидаги бобни киритиш орқали суд тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар асослантирилган;

суд тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Апелляция комиссиясига апелляция бериш ва кўриб чиқиш” бўйича 3<sup>1</sup>-бобни киритиш ҳақида таклифлар асослантирилган;

суд-ҳуқуқ тизимининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш мақсадида 2022-2026 йилларга мўлжалланган суд-ҳуқуқ тизимининг очиқлиги ва шаффофлиги концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг суд-ҳуқуқ тизимидаги коррупциянинг олдини олиш соҳасидаги амалдаги қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, ахборот базасида эълон қилинган статистик маълумотларга асосланган, унда чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда белгиланган илмий хулоса ва таклифлар суд тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишнинг назарий муаммоларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотда берилган тавсия ва хулосалар суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни янада кенгайтиришга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоида, хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда, суд ҳуқуқи, ахборот ҳуқуқи йўналишидаги илмий тадқиқотларда, норма ижодкорлигида, суд амалиётида, Судьялар олий мактаби тингловчилари, Тошкент давлат юридик университети ва юридик факультетлар талабалари учун турли хил илмий ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда, шунингдек “Коррупциянинг олдини олиш”, “Манфаатлар тўқнашуви” модуллари бўйича маърузалар ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” деган сўзни “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасидан чиқариб ташлаш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-717-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартиришлар асосида “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 09 декабрдаги 695-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилди;

Судьялар олий кенгаши ваколатларига судьялар орасида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби вазифаларни киритиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-717-сонли қонуни билан киритилган ўзгартиришлар асосида “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуни 6-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон

Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 09 декабрдаги 695-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф судьялар орасида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий асосларни кучайтиришга хизмат қилди;

судьялар фаолиятини электрон мониторинг қилиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-717-сонли Қонуни билан киритилган ўзгартиришлар асосида “Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 09 декабрдаги 695-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф суд тизимида коррупциявий ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш хизмат қилди;

судьянинг мустақиллигини чеклайдиган нормалар қабул қилинишининг олдини олишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сонли Қонуни билан қабул қилинган “Судлар тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63-моддаси таҳририда қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси Сенати Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2021 йил 20 декабрдаги 44-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф суд тизими мустақиллигининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан, ОАК томонидан диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган журналларда 18 та илмий мақола, шундан хорижий журналларда 4 та мақола ва 1 та амалий қўлланма чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида (докторлик диссертациясининг аннотацияси) тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг умумий хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида суд

тизимда коррупцияга қарши кураш тушунчаси батафсил ўрганилган. Бобда коррупция тушунчаси ва унинг суд тизимида намоён бўлиш шакллари, коррупциянинг олдини олиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий талаблари ва суд тизимида коррупциявий кўринишларнинг олдини олиш бўйича халқаро тажриба муҳокама қилинган.

Мазкур бобда изланувчи томонидан суд тизимидаги коррупциянинг шакллари, коррупцияга сабаб бўлувчи омиллар ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш кафолатлари тадқиқ қилинган. Суд тизимида коррупциянинг мавжуд бўлиши мумкин бўлган шакллари ўрганиб, уларни ташқи ва ишки шаклларга ажратади, муаллиф суд тизимидаги коррупция, судьялар ва суд аппаратининг ходимлари томонидан айрим коррупция билан боғлиқ жиноятлар ва бошқа коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишида, яъни қонун талабларига зид равишда учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, қарор қабул қилишда намоён бўлиши мумкин, миллий қонунларда коррупцияга қарши курашиш кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш ва олдини олиш чораларини кўрмасликда намоён бўлиши мумкин, деган хулосага келади.

Муаллиф суд тизимидаги коррупция сабабларини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупциянинг таянч, ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, ахборий, ижтимоий, маданий-тарихий сабабларини ажратиб кўрсатади.

Илмий ишда муаллиф суд тизимида коррупциянинг олдини олиш кафолатлари таснифини тузган. Булар қонунчилик, институционал, ахборий, инфратузилмавий ва ташкилий кафолатлардир.

Муаллиф ўз таклифларига асос қилиб, Европа судьялари маслаҳат Кенгашининг “Судьялар орасида коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги 2018 йил 9 ноябрдаги 21(2018)-сонли Хулосаларини келтиради.

Изланувчи, суд тизимида коррупция тушунчасининг таърифини (дифиниция) аниқлаш бўйича юридик олимларнинг фикрларини ўрганиб чиқади ва улар билан илмий баҳс-мунозараларни ёритиб беради. Муаллиф, шунингдек, суд тизимида коррупция тушунчаси ҳақида муайян қарашларни (фикрларни) илгари сурган олимларнинг фикрларига (Сири Глопен, К.К.Атабеков ва Б.Д.Какешов) кўшилиб, уларни қўллаб-қувватлаган.

Коррупциянинг олдини олиш тушунчаси ва мазмунига оид турли илмий ёндашув ва қарашларни ўрганиш натижалари асосида “суд тизимида коррупция”, “суд тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш”, “суд жараёнларининг (процесс) очиклиги” ва “судлар шаффофлиги” бўйича муаллифлик тушунчалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини таҳлил қилиб, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини уч тоифадаги норматив ҳужжатлар ташкил этади, деган хулосага келади. Булар коррупцияга қарши кураш соҳасида умумэътироф этилган ва ихтисослашган ҳужжатлар, коррупцияга қарши курашиш бўйича минтақавий ҳужжатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг тавсия ва хулосалари.



Тадқиқот ишида иштирокчи давлатлардан суд тизимида коррупция вужудга келишининг олдини олувчи тегишли чора-тадбирларни кўришни талаб қилувчи халқаро ҳуқуқий нормалар таҳлил қилинган. Шунга асосланиб, муаллиф судьяларнинг даромадларини декларациялаш суд тизимидаги коррупциявий ҳолатларни аниқлаш ва кейинчалик бартараф этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчи “Судлар тўғрисида”ги Қонунни “Судья, унинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари, мулк ҳуқуқи ва мулкӣ мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш” ҳақидаги янги боб билан тўлдиришни таклиф қилади. Муаллиф ўз фикрини БМТнинг коррупцияга қарши Конвенцияси талаблари билан асослайди.

Муаллиф суд тизимидаги коррупциявий кўринишлар тушунчасига оид турли нуқтаи назарларни кўриб чиқади. Жумладан, муаллиф манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш суд тизимидаги коррупциявий ҳолатларни аниқлаш ва кейинчалик бартараф этишга ёрдам беради, деган хулосага келади.

Шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Судьялар ва суд ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасини қабул қилишни таклиф этади.

Муаллифлик позициясига оид асослар сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг 1996 йил 12 декабрдаги 51/59-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат мансабдор шахсларининг ахлоқ кодекси” келтирилади.

Мазкур бобда, шунингдек, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича хорижий тажриба (Грузия, Корея Республикаси ва Германия Федератив Республикаси) ҳам ўрганилган. Натижада суд-ҳуқуқ тизимидаги коррупцияга қарши курашда устувор йўналишлар кўрсатиб берилган.

**Диссертациянинг иккинчи боби** “Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупцияга қарши курашнинг ташкилий-бошқарув ва институционал асослари” деб номланиб, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупцияга қарши курашнинг ташкилий-бошқарув ва институционал асослари ҳамда миллий суд тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро стандартларни амалиётга жорий этиш таҳлил этилган.

Тадқиқотчи томонидан амалга оширилган ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича ташкилий-бошқарув асосларини шакллантириш ва ривожлантириш тўртта асосий босқич доирасида амалга оширилганлиги белгиланди:

Биринчи босқич 1991-2003 йиллар. Бу даврда суд тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Суд ҳокимияти тизими кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича мустақил ҳаракат қила бошлаб, судьяларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш бўйича илк қадамлар ташланди.

Иккинчи босқич 2004-2012-йиллар. Бу босқичда суд тизими мустақиллигини мустаҳкамлаш ва жиной жазоларни либераллаштириш, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларидан фойдаланиш

ва ярашув механизмини янада шакллантириш, жазо сифатида мусодара қилиш чорасини чиқариб ташлаш билан боғлиқ эди.

Учинчи босқич 2012-2016-йиллар. Мазкур босқични суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш босқичи сифатида таърифлаш мумкин.

2017 йилда бошланган жорий тўртинчи босқичда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича ташкилий-бошқарув асосларини ишлаб чиқиш янги босқичга кўтарилди. Бу даврда судларда коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-бошқарув ва институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Тадқиқотчи томонидан суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича институционал асосларни миллий миқёсда шакллантирувчи ёки шакллантириши мумкин бўлган икки субъект Олий суд (Олий суд раиси, вилоят судининг раиси) ва Судьялар олий кенгаши (Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси) ажратиб кўрсатилади.

Муаллиф Судьялар олий кенгашини шакллантириш тартибини, хусусан, уни тузиш ваколатларини судьялар съездида ёки судьялар ҳамжамиятининг бошқа органига ўтказиш, унинг таркибида жамоатчилик вакиллари сонини кўпайтириш орқали қайта кўриб чиқишни таклиф этиб, Қонуннинг амалдаги таҳририга кўра кенгаш раисининг таклифи билан ўн бир нафар Кенгаш аъзоси судьялар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади, тасдиқланган аъзолардан бири Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьялари орасидан тасдиқланиши, Кенгаш котиби ва етти нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳаси бўйича юқори малакали мутахассислар орасидан тасдиқланади.

Муаллиф ўз хулосаларига асос сифатида Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд мустақиллиги - суд бошқаруви, судьяларни танлаш ва жавобгарликка тортиш бўйича Киев конференциясининг 2010 йил 23-25 июндаги тавсияларини келтиради.

Тадқиқотчи бир қатор олимларнинг (А.Х. Саидов, И.О. Тиуно, Камунде Нелли Гачери) фикрларини ўрганиб, суд тизимида коррупцияга қарши халқаро стандартларни татбиқ қилиш жараёнларини такомиллаштиришни таҳлил қилиб, коррупцияга қарши халқаро стандартларни татбиқ этишнинг халқаро ташкилий-ҳуқуқий воситаларига 1998 йилда Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун ташкил этилган ОЭСД коррупцияга қарши кураш тармоғи каби халқаро ташкилотлар киради ва улар миллий ҳуқуқий тизимларда коррупцияга қарши курашишнинг халқаро стандартларини мувофиқлаштиришга ёрдам беради, деган хулосани илгари суради.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишни мустаҳкамлаш мақсадида тегишли халқаро стандартлар талаблари, шунингдек, илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш асослантилган бўлиб, лойиҳада судьяларни лавозимга тайинлаш, хизматни ўташ,

вазифасидан озод этиш, манфаатлар тўқнашуви масалалари, судьялар мақомига оид масалалар, уларга интизомий чоралар қўллаш, судьянинг мустақиллиги, “судьянинг хизмат пиллапоясидан ўсиши (карьера)” каби масалалар тартибга солиниши кўрсатилган.

Тадқиқотчи томонидан халқнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунини “Халқ маслаҳатчилари” деб номланган боб билан тўлдириш таклиф этилган. Тадқиқотчи томонидан мазкур бобга халқ маслаҳатчилари рўйхатларини шакллантириш тартиби, халқ маслаҳатчиларига қўйиладиган талаблар, туман судларида ишларни кўриб чиқишда иштирок этиш учун халқ маслаҳатчиларини танлаш, Олий судда ишларни кўриб чиқишда иштирок этиш учун халқ маслаҳатчиларини танлаш, вилоят суди, ҳарбий судда иштирок этиш учун халқ маслаҳатчиларини танлаш, муайян ишда иштирок этишдан халқ маслаҳатчиларини вазифасидан озод қилиш, халқ маслаҳатчиларини вазифаларини амалга оширишга жалб этиш муддатлари, халқ маслаҳатчиларининг ваколатларини тўхтатиб туриш ва муддатидан аввал тугатиш, халқ маслаҳатчиларининг моддий таъминланганлиги бўйича кафолатлар, халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатлари каби нормалар киритилиши таклиф этилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олиш тизими ва чора-тадбирларини такомиллаштириш**” деб номланиб, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш масалалари ва чора-тадбирлари кўриб чиқилган.

Ушбу бобда тадқиқотчи томонидан судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш судларда коррупциявий ҳолатлар вужудга келишининг олдини олишда муҳим йўналиш сифатида кўриб чиқилган ҳамда очиқ ва шаффоф маълумотларни олиш, суд тизимида коррупциянинг олдини олишга ахборот очиқлигининг таъсирини таъминлаш йўллариغا эътибор қаратилган.

Тадқиқотчи одил судловни таъминлашда ахборот очиқлиги тизимининг етарли даражада шаклланмаганлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали амалга ошириш имкониятининг чекланиши, ноқонуний суд қарорларини қабул қилиш эҳтимолини ошириб, судьялар томонидан ғаразли ёки бошқа шахсий манфаатлардан ёхуд бошқа шахсларнинг илтимосига ва ноқонуний манфаатларига хизмат қилишга, шунингдек, суд фаолиятида бошқа коррупциявий ҳолатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Тадқиқотчи судлар фаолиятининг ҳозирги вақтдаги очиқлиги ва шаффофлиги даражаси ҳақида фикр юритар экан “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан 2021 йининг 19-29 ноябрь кунлари ўтказилган сўров натижаларига эътибор қаратади. Унга кўра фуқаролик ва жиноят судларининг очиқлиги даражасига тахминан бир

хил эканлиги ва мос равишда 31,4% ва 29,2% сўралганлар уларнинг ишини тўлиқ даражада, 39,9% ва 39,2% респондентлар тўлиқсиз даражада, 22,7% ва 22,9% фуқаролар эса кам даражада шаффоф, деб ҳисоблашини, 4,9% респондентларнинг фикрига кўра, фуқаролик судларининг иши тўлиқ ёпик, жиноят судлар учун ушбу кўрсаткич 7,1% ни ташкил қилишини келтириб ўтади.

Ш.Ш.Шорахметов, М.М.Мамасиддиқов ва Линн М.Лопукиннинг суд муҳокамасининг ошқоралиги халқнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлайди, суд ишларининг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолиятининг жамоатчилик назоратини таъминлайди ва одил судловда қонунийликни амалга ошириш ва иштирокчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади, шунингдек, коррупция ва қонун бузилишларини фош этиш ва камайтиришга, судлар устидан қонунчилик назоратини мустаҳкамлашга хизмат қилади деган фикрларини умумлаштирган ҳолда очиқлик ва шаффофлик - суд тизимининг муҳим асосларидан бўлиб, судлар устидан қонунчилик назоратини мустаҳкамлаш, судлар фаолияти ва улар қабул қилган қарорлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш орқали жамоатчиликнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган хулосага келган.

Тадқиқотчи томонидан “суд органлари фаолиятининг очиқлиги” ва “суд органлари фаолиятининг шаффофлиги” тушунчалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни инобатга олиб, “шаффофлик” бу - суд қарорлари ва бошқа актларни очиқ эълон қилиш, шунингдек, суд органлари фаолияти ҳақида бошқа маълумотларнинг очиқ манбаларда мавжудлиги ва “очиқлик” бу - суд жараёни иштирокчилари бўлмаган шахсларнинг суд процессларида иштирок этиш имконияти, деган тўхтамга келади.

Тадқиқотчи “суд органлари фаолиятининг шаффофлиги” суд органлари фаолиятининг очиқлиги тушунчасининг ажралмас қисми бўлиб, уларнинг ўзаро ҳаракати шароитида жамоатчилик ишончининг зарур даражасига эришилади, деган хулосага келади.

Муаллифнинг фикрича, судларни рақамлаштириш судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш, судларда ишларни ўз вақтида кўриб чиқиш, судларда ишларни кўриш самарадорлиги ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган интерактив хизматлар сифатининг ошишига олиб келади.

Суд тизимига сунъий интеллектнинг татбиқ этилишини ҳар томонлама ўрганиб чиққан муаллиф, сунъий интеллект - бу тегишли ахборотни қайта ишлаш натижалари асосида суд фаолиятида тахмин (прогноз) ва таҳлилни тайёрлайдиган платформа бўлиб, машина, нейрон тармоқлари ва тасвирларни аниқлаш усуллари ёрдамида фойдаланувчи учун яқуний натижаларни чиқариш, деган хулосага келган.

Тадқиқотчи сунъий интеллектнинг судлар фаолиятига татбиқ этилиши судларнинг иш ҳажмини ортиши масаласининг тез ҳал этилишига олиб келишини таъкидлайди. Махсус дастур ёрдамида технологиялар амалий

дастур - турли ҳуқуқий (ва бошқа) ахборотларни катта миқдорда қайта ишлаш имкониятига эга сунъий интеллект билан муайян алгоритм ёрдамида ишнинг энг эҳтимолли натижаси бўйича суд қарори ҳақида тахмин (прогноз) қилиш мумкинлигини таъкидлайди.

Хорижий мамлакатлар (АҚШ, Англия ва Латвия) тажрибаларини ўрганиш асосида тадқиқотчи суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва дастурий ечимлардан фойдаланиш соҳасида тадқиқотларни жадаллаштириш, “башоратли одил судлов” технологияларини ишлаб чиқиш зарур деган хулосага келади. Муаллиф замонавий АКТни жорий этиш суд-ҳуқуқ тизимида коррупциянинг олдини олишнинг муҳим йўналиши экани билан ўз фикрларини асослайди.

Тадқиқотчи судларда коррупциянинг олдини олишда судьялар ҳамжамияти ролини суд-ҳуқуқ ислохотининг муҳим йўналиши сифатида таҳлил қилади. Муаллиф судьялар ҳамжамияти асосий фаолиятининг тўртта йўналишини белгилайди:

1) суд органлари фаолиятини такомиллаштириш ва суд ишларини юритиш масалалари;

2) суд фаолиятини ташкилий ва судларни кадрлар билан таъминлаш масалалари;

3) судьяларнинг мақомини яхшилаш, судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексида кўрсатилган талабларга риоя қилишларини таъминлаш;

4) судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикасида судьялар ҳамжамиятининг қуйидаги органлари тизими мавжудлиги кўрсатиб ўтилади:

- Судьялар съезди;

- Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши;

- Судьялар малака ҳайъатлари;

- Ўзбекистон судьялари ассоциацияси.

Муаллиф суд тизимидаги маъмурий вазифаларни ҳал этишни судьялар ҳамжамиятига, шу жумладан, биринчи навбатда, молиялаштириш ва суд тизими доирасидаги таркибий масалаларни ҳал этишни ўтказиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келади.

## ХУЛОСА

Диссертация бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

### **I. Илмий-назарий хулосалар:**

**1.** Назарий қарашларни илмий таҳлил қилиш орқали қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган:

**Суд тизимидаги коррупция** - одил судловнинг холислигига зарар етказувчи ва суд тизимидаги ҳар қандай субъектга таъсир этувчи ноқонуний таъсир шакли бўлиб, унинг натижасида ноқонуний суд қарорлари чиқариш, суд ишларини кўришда ва тегишли суд қарорларини қабул қилишда нохолисликка йўл қўйилади.

**Суд тизимида коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш** - суд тизими тегишли субъектларининг судьялар ва суд аппарати ходимлари ўртасида коррупциянинг вужудга келишига асос бўлувчи сабаб ва шароитларни ўрганиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича нопроцессуал фаолияти.

**Суд жараёнларининг (процесс) очиклиги** - суд процессининг иштирокчиси бўлмаган субъектларнинг, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари вакилларининг суд мажлисларида (ёпиқ суд мажлислари кўриладиган ишлар бундан мустасно) иштирок этиши ёки видео конференц алоқа орқали мажлисларда иштирок этиши.

**Судларнинг шаффофлиги** - судларнинг ҳал қилув қарорлари, бошқа актлари ва суд органларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очик манбаларда эълон қилиниши ва мавжудлиги.

**2.** Хорижий давлатлар амалиётини таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида илмий қарашларни умумлаштириш қуйидаги хулосаларни аниқлаш ва алоҳида кўрсатиб ўтиш имконини берди:

- суд тизимидаги коррупция кўринишларини тўрт тоифага бўлиш мумкин: порахўрлик, мансабни суистеъмол қилиш, лоббизм, манфаатлар тўқнашуви;

- суд тизимида коррупция кўринишлари суд фаолиятининг уч босқичида кузатилади:

- судьяларни танлаш ва тайинлаш жараёнида;

- судьялар хизмат фаолияти даврида;

- судьяларни хизматдан четлатиш жараёнида.

**3.** Норматив актларни ўрганиш коррупциянинг қуйидаги шаклларини аниқлаш имконини берди. Бунда мазкур ҳолатлар судларнинг мустақиллигига таъсир ўтказиш орқали кейинчалик коррупцион ҳолатга ўтади.

Улар:

- ташқи шакллар;

- ички шакллар.

**4.** Судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи қуйидаги омиллар ажратиб кўрсатилади:

**асосий (базовый)** – фуқаролик жамияти ривожланиши даражаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти;

**ҳуқуқий** – судларда иш юритиш тартиблари, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилиши, суд тизимида коррупциявий қилмишлар учун санкцияларнинг ҳолати, қонунларни шахсий шарҳлаш имконини берувчи муқобил жазо турларини қўллашда турлича ёндашув;

**ташкилий – иқтисодий** - судьяларнинг иш ҳажми, янги технологиялар билан таъминланиши, судлар ишини автоматлаштириш ва судлар фаолияти ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги;

**ахборий** – суд процессларининг шаффофлиги ва очиклиги, суд тизимида коррупция муаммоси бўйича тадқиқотларнинг олиб борилмаслиги, судларда тарафларга кўрсатилаётган online хизматлар сифатининг пастлиги;

**ижтимоий** – судьяларнинг шахсий муносабатлари билан боғлиқ айрим ижтимоий муаммолар “оилавий алоқалар”;

**маданий ва тарихий** – суд аппаратининг ходимлари ўртасида коррупциявий ҳолатларга оддий муносабатда бўлиш, ҳуқуқий нигилизм, ҳалоллик ва ор-номус тушунчаларининг қадрсизланиши.

## **II. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

**5.** Илғор хорижий тажрибадан, шунингдек, судлар ва судьялар тўғрисидаги нормаларни унификация қилиш мақсадида “Судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади. Қонун лойиҳаси матни диссертациянинг 1-иловасида ўз аксини топган.

**6.** Хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш (Грузия, Германия) судьяларни танлаш ва тайинлашга ваколатли бўлган тегишли органларнинг қарорларига нисбатан шикоят қилиш амалиёти турли эканлигини кўрсатди. Афсуски, республикада қонунчилигида Судьялар олий кенгашининг судьяликка номзодларни қабул қилиш ва судьяларни тайинлаш тўғрисидаги қарорлари устидан шикоят қилиш назарда тутилмаган.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунни қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-боб билан тўлдириш таклиф этилади. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Апелляция комиссиясига шикоят бериш ва кўриб чиқиш”.

**7.** “Судлар тўғрисида”ги Қонунни янги боб, яъни “9-боб. Судья, унинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мулкий мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш” билан тўлдириш таклиф этилмоқда

Судьяларнинг мол-мулклари ва даромадларини декларация қилиш қонунда белгиланган бўлиши ҳамда тегишли маълумотларни онлайн тарзда (мумкин бўлган айрим белгиланган истиснолар билан) чоп этиш ва уларни мунтазам текширишни таъминлаши лозим.

**8.** Халқнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонунни “Халқ маслаҳатчилари” деб номланган боб билан тўлдириш таклиф этилади:

Мазкур бобда қуйидаги концептуал масалалар тартибга солиниши керак:

- халқ маслаҳатчилари рўйхатларини шакллантириш тартиби;
- халқ маслаҳатчиларига қўйиладиган талаблар;
- туман судларида ишларни кўриб чиқишда иштирок этиш учун халқ маслаҳатчиларини танлаш;

Олий судда, вилоят судида, ҳарбий судда ишларни кўриб чиқишда иштирок этиш учун халқ маслаҳатчиларини танлаш;

- халқ маслаҳатчиларининг ўз вазифаларини бажаришга жалб этиш шартлари;

- халқ маслаҳатчиларининг ваколатларини тўхтатиб туриш ва муддатидан илгари тугатиш;

- халқ маслаҳатчиларининг моддий қўллаб-қувватлаш қафолатлари;

халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатлари.

**9.** Судьялар ҳамжамиятининг ролини ошириш мақсадида “Судьялар ҳамжамиятлари органлари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилмоқда. Ушбу қонунда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини ташкил этиш ва унинг вазифалари назарда тутилиши лозим:

Судьялар ҳамжамияти органларининг ташкил этилиши ва фаолияти принциплари;

Судьялар съезди;

Судьялар олий кенгаши;

Судьялар малака ҳайъати;

Судьялар ассоциацияси.

**10.** Судлар томонидан алоҳида сиёсий партияларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи депутатлар, шунингдек, бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи бўлган тегишли ҳудуд ҳокимларига ахборот тақдим этиш, ижро ҳокимиятига бўйсунитишни келтириб чиқариши туфайли “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддаси биринчи қисмининг 11-сўзбошисини чиқариб ташлаш таклиф этилади.

**11.** “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддасида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди раиси ваколатлари кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда судлар фаолиятига (ишларни автоматик тақсимлаш, суд веб-сайтларида суд қарорларинг электрон шаклда нашр этиш, тегишли органларга апелляция ва кассация шикоятларини юборитишни автоматлаштирилган) ИТ технологиялари жорий этилаётганда туман суди раиси лавозимини олиб ташлаш таклиф қилинмоқда. Туман судининг раиси ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият вакиллари учун суд қарорларига ташқи таъсир кўрсатиши учун “туйнук” ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 41-42-моддаларини чиқариб ташлаш таклифи илгари сурилди.

**12.** Халқаро стандартларга мувофиқ суд тизимининг структураси Президент томонидан тасдиқланиши эмас, қонунда назарда тутилиши лозим.

Ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органларнинг аралашувисиз ишловчи судьяларнинг штат бирлигини аниқлашда маълум механизм ишлаб чиқилиши лозим. Шу муносабат билан “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 89-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

Ўзбекистон Республикаси судларининг тузилиши ва штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланади.

**13.** Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва коррупциявий хавфларни камайтириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддаси иккинчи қисми тўртинчи хатбошисини қуйидаги жумла билан тўлдириш таклиф этилади. “Шу билан бирга, педагогик, илмий ва бошқа ижодий фаолиятни фақат хорижий давлатлар, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотлар, маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин эмас,



Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бундан мустасно”.

**III. Суд тизимида коррупцияни олдини олишнинг амалий жиҳатлари самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар.**

**14.** Одил судловни амалга оширишда судьялар ва суд ходимлари ўртасида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тартибга солиш, шунингдек, ишларни юритишда судьялар ва суд ходимларининг шахсий манфаатлари таъсирини чеклаш мақсадида **Олий суд Раёсатининг “Судьялар ва суд ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси** таклиф этилади. Қарор лойиҳаси матни диссертациянинг 2-иловасида ўз аксини топган.

**15.** Суд тизимининг очиқлиги ва шаффофлиги сиёсатини амалга ошириш ахборот муҳитининг ривожланиш даражасини ошириш, суд жараёнига замонавий ИТ (ахборот-коммуникация технологиялари) татбиқ этиш, ахборот тарқатиш усулларини такомиллаштириш, судларнинг янги веб-сайтлари ва давлат автоматлаштирилган тизимларининг янада самарали фаолият юритишига хизмат қилади. Шу муносабат билан **Олий суд Раёсатининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимининг очиқлиги ва шаффофлиги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси** таклиф этилади. Қарор лойиҳаси матни диссертациянинг 3-иловасида ўз аксини топган.

**16.** Судларда кадрлар салоҳиятини ошириш ва суд органларига ишга қабул қилишда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “Суд органларига ишга қабул қилиш тартиби”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф этилади. Мазкур тартиб ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

суд органларига ишга қабул қилишда меритократия тамойилини қўллаш;

ишга қабул қилиш халқаро стандартларга мос келиши ва номзоднинг барча жиҳатларини, жумладан, ахлоқий фазилатларини кўриш имконини берувчи мустақил танлов жараёни орқали очиқ ўтказилиши керак;

судларда бўш лавозимларга номзодларни танлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш;

суд тизимида кадрлар ресурслари базасини шакллантириш;

жинси, миллати, диний эътиқоди, шунингдек, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, танлов жараёнида номзодларга тенг ҳуқуқли имкониятлар яратиш.

**17.** Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш шароитида судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишда жамоатчиликнинг иштироки суд тизимида коррупциянинг олдини олиш йўлларида бири ҳисобланади. Бироқ шуни эътироф этиш керакки, суд органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ҳуқуқий чегараларга эга бўлиши ва фақат қонуннинг расмий талаблари доирасида амалга оширилиши лозим.

**18.** Давлатнинг рақамлаштириш соҳасидаги ресурслари асосан мазкур соҳага оид инфратузилмани такомиллаштиришга сарфланмоқда. Янги ноутбуклар, серверлар, дастурий таъминот сотиб олинмоқда, яъни аслида фақат техника сотиб олинмоқда. Масалан, суд органлари фаолиятини рақамлаштириш дастурига асосан 2020 — 2023 йилларда судларни техник қўллаб-қувватлашга 59,8 млрд. сўм сарфланади. Бу борада технологик қўллаб-қувватлаш масалалари очик қолмоқда.

Шу муносабат билан одил судловни амалга оширишда сунъий интеллектдан фойдаланиш соҳасида АКТ ва дастурий ечимлардан фойдаланиш бўйича тадқиқотларни жадаллаштириш бўйича таклиф, шунингдек, суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича “Европа ахлоқий Низомининг асосий қоидалари ва уларни ўраб турган ҳолатлар”ни инобатга олган ҳолда, (Strasburg, 3-4 декабрь, 2018) башоратли одил судлов" технологияларини ишлаб чиқиш илгари сурилади.

Бир қатор моддий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш зарурлигидан ташқари, яратилиш босқичида нообъектив ва дискриминацион ҳолатларнинг олдини олиш механизмларини ўз ичига оладиган сунъий интеллект шаклини жадал ривожлантириш учун ахлоқий асос яратиш таклифи илгари сурилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 AT THE ACADEMY OF GENERAL  
PROSECUTOR'S OFFICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

---

**SUPREME SCHOOL OF JUDGES UNDER THE SUPREME JUDICIAL  
COUNCIL OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**ATAJANOV AZIZBEK ABDIMALIKOVICH**

**PRACTICAL ASPECTS OF PREVENTING CORRUPTION IN THE  
JUDICIAL SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**12.00.07 - Judicial authority. Prosecutorial supervision. Organization of law enforcement  
activity. Advocacy**

**DISSERTATION ABSTRACT  
of Doctor of Philosophy (PhD) in legal sciences**

**Tashkent – 2022**

**The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan by No. B2019.4.PhD/Yu340.**

The dissertation was prepared at the Higher School of Judges under the Supreme Council of Judges the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation was posted on the website of the Scientific Council ([www.dba.uz/uz/avtoreferatlar](http://www.dba.uz/uz/avtoreferatlar)) and Information educational portal «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) in three languages (Uzbek, Russian and English (resume)).

<b>Scientific supervisor:</b>	<b>Bahodir Islamovich Ismailov</b> Doctor of Sciences in Law, Professor
<b>Official opponents:</b>	<b>Sindorov Komil Oydinovich</b> Doctor of Sciences in Law, Associate Professor <b>Mustafaev Shuxrat Borievich</b> Doctor of Philosophy in Law
<b>Leading organization:</b>	<b>Lawyers` Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan</b>

The defense of the dissertation will be held on April «15», 2022 at the Session of the Scientific Council DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 at the Academy of General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan (Address: 100047, Shahrizabz street, 42. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 202-04-96, fax: (99871) 233-35-81, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

The dissertation is available at the Information Resource Centre of the Academy of General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan (registered under No. 5), (100047, Shahrizabz street, 42. Tashkent, Uzbekistan. Phone: (99871) 202-04-96.

The abstract of the dissertation was distributed on April «04», 2022.

(Registry Protocol No. 11 on April «01», 2022).

**B.Kh.Pulatov**

Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

**L.Kh.Isokov**

Scientific secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law (PhD), Associate Professor

**F.Kh.Raximov**

Chairman of the scientific seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Sciences in Law, Professor

## **Introduction (annotation of doctoral dissertation (PhD))**

**The aim of the research** consists of the development of proposals and recommendations aimed at improving the practical aspects of preventing corruption in the judicial system.

**The object of the research** is a system of public relations in the field of preventing corruption in the judicial system of the Republic of Uzbekistan.

### **Scientific novelty of the research is as follows:**

the necessity of recognizing in the law the norms of use of automated systems for the distribution of cases between judges, taking into account the cases under consideration (workload), and excluding the influence of subjects interested in the outcome of the trial;

proposals for the exclusion of representatives of law enforcement agencies from the body of the judicial community that forms the judiciary substantiated;

in the tasks of the judicial community it was proposed to include the procedure for implementing mechanisms (conducting scientific and practical seminars and conducting surveys on the elimination of conflicts of interest and the prevention of corruption) for the prevention and early detection of corruption among judges;

the need to improve the mechanisms (implementation of remote monitoring through electronic rating assessment of the effectiveness of judges) for checking the activities of judges through monitoring using electronic programs by eliminating the possibility of conducting inspections by higher courts and the Judicial Council locally pointed out;

the need for legal consolidation in the law of public control of trials, in particular, legal guarantees for the participation of any subject in open court hearings, conducting video and audio recordings, photographing trials, in the manner prescribed by law justified;

the need to enshrine in the law a norm prohibiting the adoption of any normative legal acts that limit the independence of a judge substantiated as a legal basis for strengthening the independence of judges.

**Implementation of research results.** The scientific results obtained from the research work were used in the followings:

the dissertation proposal on the distribution of cases between judges using automated information technologies was used in amending the second part of Article 17 of the Civil Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. The amendments were made to the Law of the Republic of Uzbekistan dated March 10, 2020, No. 607 (act of the Senate Committee on Judicial and Legal Issues and Anti-Corruption dated March 26, 2020, No. 6). This proposal served to increase openness and transparency in the distribution of cases in courts;

a proposal was made to exclude the phrase "law enforcement agencies" from the first part of Article 5 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan" dated April 6, 2017 No. 427 was adopted, and the article was adopted in a new edition (act of the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan dated December 9, 2021, No. 695.) This proposal served to strengthen the independence of the judiciary;

the proposal to include in the tasks of the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan measures to prevent and detect corruption among judges was used in article 6 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan” dated April 6, 2017 No. 427 (act of the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan dated December 9, 2021, No. 695.) This proposal served to prevent and early detection of corruption among judges;

the proposal to introduce electronic monitoring of the activities of judges is reflected in article 12 of the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan” dated April 6, 2017 No. 427 (act of the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan dated December 9, 2021, No. 695.) This proposal served to prevent and early detection of corruption among judges;

Law of the Republic of Uzbekistan “On amendments and additions to the law of the Republic of Uzbekistan “On the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan” dated September 21, 2021 No. 717;

the proposal on the inadmissibility of the adoption of legislative acts restricting the independence of a judge was reflected in the new version of the Law "On Courts" dated July 28, 2021 No. 703 in part two of Article 63 2021 for No. 44). This proposal served to strengthen the independence of the judiciary.

**The structure and volume of the dissertation.** The dissertation consists of introduction, three chapters, including nine paragraphs, conclusion and the list of references and appendices. The volume of the dissertation is 154 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМІЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**LIST OF PUBLISHED SCIENTIFIC WORKS**

**I часть (I бўлим; I part)**

1. Атажанов А.А. Коррупцияга қарши курашишнинг хорижий тажрибаси // Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси – Тошкент, 2016. – №5.– Б. 38-39. (12.00.00; №10).

2. Атажанов А.А. Зачем обществу закон «О противодействии коррупции»? // Адвокат – Тошкент, 2017. – №2.– Б. 54-55. (12.00.00; №16).

3. Атажанов А.А. Правовые основы государственного управления в борьбе с коррупцией // Жамият ва бошқарув – Тошкент, 2017. – №2.– Б. 117-124. (12.00.00; №6).

4. Атажанов А.А. Зарубежный опыт борьбы с коррупцией в системе государственной службы // Одилик мезони илмий-амалий, ҳуқуқий журнал – Тошкент, 2018, № 3-4. С. 61-64. (12.00.00; № 21).

5. Атажанов А.А. Особенности профессиональной этики судьи // Одилик мезони илмий-амалий, ҳуқуқий журнал – Тошкент, 2020, №1. С. 51-56. (12.00.00; № 21).

6. Атажанов А.А. Работа административных судов в условиях пандемии// Правосудие. Правовое научно-практическое издание – Тошкент, 2020, №5. С. 56-58. (12.00.00; №3).

7. Атажанов А.А. Прозрачность отбора кандидатов на должность судей: миф или реальность // Правосудие. Правовое научно-практическое издание – Тошкент, 2020, №11. С. 65-67. (12.00.00; №3).

8. Атажанов А.А. IT технологии и трансформация правоприменения // Одилик мезони илмий-амалий, ҳуқуқий журнал – Тошкент, 2021, №5. С. 52-54. (12.00.00; № 21).

9. Атажанов А.А. Суды и коронавирус (COVID-19) // Международная научная конференция “Пандемия и права человека: опыт Узбекистана. – Тошкент.: – 2020. Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека – С. 278-283

10. Атажанов А.А. Коррупцияга қарши курашишнинг конституциявий асослари // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлат ва жамият тараққиётининг муҳим пойдевори мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Ташкент.: ДБА, 2017. – Б. 250-254.

11. Атажанов А.А. Предупреждение коррупционных проявлений в судебной системе Республики Узбекистан //Материалы международной научно-практической конференции Академии прокуратуры Республики Узбекистан «Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари». – Ташкент. 2020, С. 400 – 410

12. Атажанов А.А. Судебные иски, связанные с применением цифровых технологий// Рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив тузилмалар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари тўплами//2021 – Б. 431-433

13. Atajanov A.A. Integration of modern information and communication technologies as an important area of prevention of corruption in the judicial system // The American Journal of Political Science Law and Criminology (ISSN – 2693-0803), 2022. Page No. 38-44. (Impact factor 5.952).

14. Атажанов А.А. Развитие организационно-управленческих основ предупреждения коррупционных проявлений в судебной системе // научные исследования и инновации в индустрии 4.0. материалы I-Республиканская научно-техническая конференция (Ташкент, 13-15 марта 2022 года).

## II часть (II бўлим; II part)

15. Атажанов А.А., Дусматов Н.У. Корреляцион регрессион таҳлил ёрдамида коррупцион жиноятчиликка таъсир қилувчи омилларни аниқлаш // Давлат бошқарувида ахборот коммуникация технологиялардан фойдаланишда хорижий тажрибаларнинг ўрни мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси конференция материаллари тўплами. – Ташкент.: ДБА, 2017. – Б. 138-142.

16. Атажанов А.А., Эшанкулов С.Р. Административные суды – новое направление в осуществление правосудия. Конституция Республики Узбекистан –Надёжная основа демократических правовых реформ. // Сборник материалов республиканского круглого стола. – Т.: ТДЮИ, 2017. – С. 85-90.

17. Атажанов А.А., Абдураззоков А.А. Имплементация международных стандартов по противодействию коррупции в судебную систему // Одилик мезони илмий-амалий, ҳуқуқий журнал – Тошкент, 2020, №5. С. 56-59. (12.00.00; № 21).

18. Атажанов А.А., Исмаилов Б.И. Вопросы усиления мер по противодействию коррупции в судебной системе Республики Узбекистан // Одилик мезони илмий-амалий, ҳуқуқий журнал – Тошкент, 2020, №12. С. 56-61. (12.00.00; № 21).

19. Исмаилов Б.И., Атажанов А.А. Зарубежная практика учреждения специализированных антикоррупционных судов // East European Scientific Journal // Wschodnioeuropejskie Czasopismo Naukowe (East European Scientific Journal) #12(64), 2020. p. 25-30

20. Исмаилов Б.И. Атажанов А.А. Зарубежный опыт внедрения современных технологий в систему правосудия // Society and innovations Special Issue. 2, №01 (2020) / p. 269-284 ISSN 2181-1415

21. Атажанов А.А., Думанов Ш.Г. Комплаенс контроль как инструмент в противодействии коррупции // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий журнали – Тошкент, 2021, №1. (08.00.00; № 19).



22. Атажанов А.А., Матниязов С. Роль юридической службы в управлении проектами // Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби. Корпоратив ва лойиҳа бошқаруви: жорий ҳолат, муаммолар ва замонавий механизмлари мавзусида халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари. Ташкент.: БТАМ, 2021. – С. 58-60.

23. Атажанов А.А., Эралиев А. Информационные технологии в судах – прозрачность и качество правосудия // Правосудие. Правовое, научно-практическое издание – Тошкент, 2021, №11. С. 32-64. (12.00.00; №3).

24. Атажанов А.А., Абдураззоков А.А. Повышение роли Судейского сообщества в предупреждении коррупционных проявлений в судах как важное направление судебно-правовых реформ // Одиллик мезони илмий-амалий, ҳуқуқий журнал – Тошкент, 2021, №11. С. 52-54. (12.00.00; № 21).

25. Атажанов А.А., Абдураззаков А.А. Особенности доказывания в судопроизводстве. Реляционная техника // Правосудие Правовое научно-практическое издание – Тошкент, 2019, №6. С. 65-67. (12.00.00; №3).

Автореферат «ТДЮУ Юридик фанлар Ахборотномаси» журнали тахририятида тахрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди.

Босишга рухсат этилди: 30.03.2022  
Бичими: 60x84 1/16 «Times New Roman»  
гарнитурда рақамли босма усулда босилди.  
Шартли босма табағи 3,1. Адади 100. Буюртма: № 80  
Тел: (99) 832 99 79; (97) 815 44 54  
Гувоҳнома reestr № 10-3279  
“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6 уй.